

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАНАЗАРОВ ЎКТАМ ЭШТЕМИРОВИЧ

ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИНИНГ ТОҒОЛДИ ЯЙЛОВЛАРИ
МОНИТОРИНГИ ВА ЭКОЛОГИК ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

НУКУС – 2022

**Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора биологических наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of biological sciences (DSc)

Хўжаназаров Ўктам Эштемирович

Қашқадарё ҳавзасининг тоғолди яйловлари мониторинги ва экологик
оптималлаштириш..... **3**

Хужаназаров Уктам Эштемирович

Мониторинг и экологическая оптимизация пастбищ предгорий
бассейна Кашкадарьи..... **29**

Khujanazarov Uktam Eshtemirovich

Monitoring and ecological optimization of pastures in the foothills of
Kashkadarya basin..... **55**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... **59**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАНАЗАРОВ ЎКТАМ ЭШТЕМИРОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИНИНГ ТОҒОЛДИ ЯЙЛОВЛАРИ
МОНИТОРИНГИ ВА ЭКОЛОГИК ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2022

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида № В2017.1.DSc/В23 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.aknuk.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.Ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хасанов Фурқат Орунбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамуратова Нағима Генжемуратовна
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Мавланов Хударган
Биология фанлари доктори, профессор

Турабаев Акмал Нормуминович
Биология фанлари доктори, профессор в.б.

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги **DSc-02/30.04.2021.В.79.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 7 04 кuni соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали.Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2022 йил 14 03 да тарқатилди.

(2022 йил 14.03 даги № 23 рақамли реестр баённомаси).



Аймбетов Нағмет Каллиевич
Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш раиси, Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
қотиби, б.ф.ф.д. (PhD)

Жумамуратов Мырзамурат Ажмуратович
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг тез суратларда ортиши табиий яйлов ресурсларидан нооқилона фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Табиий яйловларда чорвачилик бошқариш тизимининг ривожланмаганлиги ва айниқса, яйловларнинг экологик ҳолати бўйича ишончли маълумотларни етишмаслиги улардан самарасиз фойдаланишни таъминламоқда. Бу ўринда, яйловларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, улар ҳолатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва яйловларни қайта тиклаш бўйича чора-тадбирларини йўлга қўйиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда яйлов ресурсларини инвентаризациялаш, ресурс имкониятларини баҳолаш ва ва инқирозга учраётган яйловлар ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, турли иқлим минтақаларининг яйлов ресурслари баҳоланди, озуқабоп яйлов ўсимликларининг халқаро маълумотлар базаси яратилди, табиий-ҳудудий мажмуаларда чорвачилик тизимини барқарор ривожлантириш тизими ишлаб чиқилди, яйловларни фитомелиорация тадбирлари орқали тиклаш усуллари яратилди. Бироқ, сўнгги йилларда ишлаб чиқариш объектларининг қулай жойлаштирилиши ушбу ҳудудларда тарихий тараққий этган эфемер ва эфемероидзорлардан тортиб, ёнғоқзорлар, сийрак бутазорлар, арчазорлар ва чимли-бошоқзорлар майдонларини қисқаришини таъминламоқда. Шунга кўра, тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги яйловларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, инсон таъсири билан боғлиқ яйловлардаги ўзгаришларни аниқлаш, экологик ҳолатини очиб бериш ва муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамизда табиий яйлов ва пичанзорлар ҳолатини баҳолаш ва улардан барқарор фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, турли табиий зоналардаги яйловларнинг тузилиши аниқланди, яйловлардан оқилона фойдаланишнинг қонунчилик базаси шакллантирилди, шўрланган ва қурғоқچликка тортилган майдонлардаги яйловларни тиклаш ҳамда “яшил қопламалар” барпо этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “... атроф-муҳитга зарар етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Қашқадарё ҳавзасининг тоғолди яйловлари ҳолатини экологик жиҳатдан мониторинглаш, яйловлари трансформациясини ҳамда инқирозиги келтириб чиқараётган омилларни белгилаш, фойдаланиш учун экологик оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2018 йил 19 декабрдаги 1034-сон “Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Тоғ минтақаси яйловларини баҳолаш ва уларнинг хусусиятлари аниқлаш ҳамда инқирозга учраган тоғ яйловларни яхшилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Wake Forest University (АҚШ), Institute of Biodiversity and Ecosystem Research (Болгария), Albrecht von Haller Institute of Plant Sciences (Германия), Tokyo University of Agriculture and Technology (Япония), Baekdudaegan National Arboretum (Корея), Aarhus University (Дания), Cold and Arid Regions Environmental and Engineering Research Institute (Хитой), Ботаника ва фитоинтродукция институти (Қозоғистон) ва Ботаника институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тоғ яйловларининг фитоценотик хилма-хиллигини аниқлаш, тарихий шаклланишини очиқ бериш, турли омиллар таъсирида яйлов жамоаларида кечадиган ўзгаришларни баҳолаш, тоғ яйловларини сақлаб қолиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: қурғоқчил тоғ минтақаси яйловларининг камёб турлари, уларни самарадор сақлаб қолиш чоралари ишлаб чиқилган ва яйловларни бошқариш тизими такомиллаштирилган (Institute of Biodiversity and Ecosystem Research, Болгария), дашт яйловлари, уларнинг келиб чиқиши ва замонавий шаклланиши аниқланган (Albrecht von Haller Institute of Plant Sciences, Германия), тоғ ўрмонларини тиклашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган (Baekdudaegan National Arboretum, Корея), ўрта иқлимнинг тоғ ўтлоқларининг тузилиши ва уларга иқлим ўзгариши ҳамда чорва молларининг таъсири баҳоланган (Wake Forest University, АҚШ), альп яйловларининг инқирози ва уни ҳаракатлантирувчи омиллар хусусиятлари асосланган (Cold and Arid Regions Environmental and Engineering Research Institute, Хитой).

Дунёда тоғ яйловларини ҳолатини баҳолаш ва инқирозга учраган яйловларни тиклаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: антропоген ва иқлим ўзгариши таъсирида тоғ яйловларда кечаётган таркибий ўзгаришларни масофавий аниқлаш, табиий

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, researchgate.net, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

офатлар туфайли инқирозга учраган яйловларни тиклашнинг тезкор усуллари ишлаб чиқиш, яйловларда кечаётган деградация жараёнларини индикаторлар асосида моделлаштириш, яйловларнинг тузилиш хусусиятларини ўзида акс эттирган глобал мавзули хариталар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёнинг турли табиий минтақаларида яйловларнинг ҳолатини баҳолаш ва уларни тиклаш бўйича Н.Т.Нечаева (1958, 1962), Л.П.Синьковский (1959), И.Ф.Момотов (1962), В.А.Бурыгин, Л.Е. Маркова (1975), Р.С. Верник, Т.Рахимова (1982), О.Х. Хасанов ва Т.Рахимова (1996, 2000, 2003, 2006), З.Ш.Шамсутдинов (2015), Х.Ф. Шомуродов (2018) каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Қашқадарё ҳавзаси тоғ ва тоғ олди ҳудудлари яйловларининг флораси, фитоценотик тузилиши, экологияси бўйича маълумотлар В.А.Комаров (1891-1893), Б.А.Федченко (1913), М.Г.Попов (1925), С.Н.Кудряшов (1941, 1950), Е.П.Коровин (1934, 1956, 1962), К.З.Закиров (1955), И.И.Гранитов, А.Д.Пятаева (1956, 1959), И.Ф.Момотов, А.Д.Ли (1965), А.Н.Бабушкин (1964), Э.М.Демурина (1975), С.М.Мустафаев (1966), Ў.Алланазарова (1969), А.З.Генусов (1972), О.Х.Хасанов (1972), Н.И.Акжигитова (1976), Р.В.Камелин (1979), Э.Ашуров (1988), Т. Норбобаева (1990), Т.В.Овчинникова (1995), Ф.Х.Джангуразов (1965), Б.Э.Хўжамқулов (1998), Ф.Хасанов (2013, 2014) ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Сўнгги йилларда Қашқадарё ҳавзасида ерларнинг ўзлаштирилиши, тоғ-кон саноатининг ривожланиши, чорвачилик тармоғининг кенгайиши ҳудуд яйловлари трансформациясини келтириб чиқарди. Шу билан боғлиқ ҳолда, яйловларнинг тузилиши ва таркиби бўйича юқоридаги адабиёт манбаларида келтирилган маълумотлар Қашқадарё ҳавзаси тоғ ва тоғ олди ҳудудлари яйловларининг замонавий ҳолатини ўзида акс эттира олмайди. Бу ўринда, ҳудуд яйловларини инвентаризациялаш, топо-типологик тузилишини аниқлаш ҳамда яйлов хилларани муҳофазалаш бўйича самарадор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ботаника институти ва Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИЗ-2015-0829113236 “Қашқадарё вилоятининг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги юксак ўсимликлари ва умуртқали ҳайвонларининг кадастри” ва №А-1-230 “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув қўлланмасини тайёрлаш” мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё ҳавзасининг тоғолди яйловларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва яйловларидан самарадор фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё ҳавзаси тоғолди яйловлари флористик таркибини аниқлаш; антропоген омиллар таъсирида максимал пайҳонланган майдонларни

аниқлаш ва фитоценозлар ҳосилдорлигини ўрганиш;

ййловларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ййловларнинг замонавий тавсифини ишлаб чиқиш;

ййловларнинг ҳолатини ўзида акс эттирадиган “Қашқадарё ҳавзасининг тоғ ва тоғолди ййловлари картаси”ни тузиш ва уни изоҳини ишлаб чиқиш;

Қашқадарё ҳавзаси тоғолди ҳудудлари учун ййловлар дигрессиясининг хусусиятларини ўрганиш;

ййловларнинг сифатий баҳоси, ййлов хилларига таъсир этувчи омиллар ва улардан самарали фойдаланиш мезонлари асосида ййловларни экологик баҳолаш;

деградацияга учраган ййловларни тиклашнинг экологик принципларини таҳлил қилиш ва ййловларни яхшилаш бўйича фитомелиорация жараёнларини ўрганиш;

Қашқадарё ҳавзаси тоғолди ййловларида тарқалган Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган турлар ценопопуляцияларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва уларни муҳофазалаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

ййловларда кенг тарқалган доривор турларнинг айрим фитокимёвий хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё ҳавзасининг тоғолди ййловлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ййловлар мониторинги, популяциялар экологияси ва хариталаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда дала тадқиқотлари, Ерни масофадан зондлаш, хариталаш, популяцион, биокимёвий ва статистик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоғ ва тоғолди ййловларининг 7 ййлов гуруҳи, 7 та ййлов типига мансуб 20 та ййлов хилларини ўз ичига олган замонавий таснифи ишлаб чиқилган;

Қашқадарё ҳавзаси тоғолди ва тоғ ййловларида тарқалган 60 оила ва 232 туркумга мансуб 371 турлар аниқлаган;

ййловларнинг юқори, ўрта ва паст қийматли гуруҳлари аниқланган ҳамда ййловлар трансформациясини ҳаракатлантирувчи фаолият турлари баҳоланган;

ййловларнинг мавсумий фойдаланишига кўра гуруҳлари ва турли омиллар натижасида фойдаланиш шаклларининг ўзгаришлари асосланган;

тоғ ва тоғолди ййловларнинг деградацияси ва уни экологик оптимизациялаш модели яратилган;

ййловларда тарқалган 5 та Қизил китобга киритилган турлар 12 та ценопопуляцияларининг экологик-фитоценотик тарқалиши аниқланган ҳамда ценопопуляцияларнинг структуралари очиб берилган;

Қашқадарёнинг тоғолди ййловларида кенг тарқалган 9 тур доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларнинг ўзаро ва мавсум давомидаги ўзгарувчанлик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор яйловларнинг сифатий баҳоси, яйлов хилларига таъсир этувчи омиллар ва улардан самарали фойдаланиш мезонлари асосида яйловларини экологик баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

яйловларнинг замонавий ҳолатини ўзида акс эттирган “Қашқадарё ҳавзасининг тоғ ва тоғолди яйловлари картаси” (М 1:200000) яратилган;

Қашқадарё ҳавзаси деградацияга учраган тоғолди яйловларини тиклаш учун юқори ҳосилдорлик ва барқарор турларни экиб-қўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” нинг навбатдаги нашри учун ноёб ва эндем *Plocama alshehbazii* турининг янги тавсифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган анъанавий ва замонавий усуллар ҳамда ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган хулосалар ва қонуниятларни асосланганлиги, шунингдек, диссертация ишининг амалий натижалари тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё ҳавзаси тоғолди яйловларининг замонавий тавсифини ишлаб чиқилганлиги, харитасининг яратилганлиги, тоғ минтақалари бўйлаб яйлов хиллари хусусиятларидаги ўзгаришларни очиб берилганлиги, яйловлар инқирозини келтириб чиқарувчи омилларни баҳоланганлиги, флоранинг камёб ва йўқолиб кетиш арафасидаги турлари ценопопуляциялари структураси ва типларининг асосланганлиги, доривор турларининг биокимёвий таркибини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ ва тоғолди минтақаларида тарқалган яйловларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, хариталаш, экологик таснифлаш, яйловларга таъсир этувчи омилларни белгилаш, яйловлардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё ҳавзасининг тоғолди яйловлари мониторинги ва экологик оптималлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

24 та картографик бирликдан иборат бўлган М1:200000 масштаби “Қашқадарё ҳавзасининг тоғ ва тоғолди яйловлари харитаси” нинг электрон рақамли формати (*sph) ва унинг изоҳи “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 майдаги 02/027-2017-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё ҳавзасининг тоғ ва тоғолди яйловларининг топо-типологик тузилишини аниқлаш ва мавсумий ҳосилдорлигини баҳолаш имконини берган;

яйлов чорвачилиги ва суғорма деҳқончилиқни ривожланиши билан шаклланган инқирозга мойил яйловлар хилларини сақлаб қолиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиқ бошқармасига қарашли яйловларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ

хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 майдаги 02/027-2017-сон маълумотномаси). Натижада, ҳаддан ташқари боқилиш натижасида дегрессияга мойил яйлов контурларини аниқлаш ва трансформацияга учраган яйловларни тизимли бошқариш имконини берган;

Plocama alshehbazii турининг тарқалиши ва популяцияларини муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 19 апрелдаги 0302/8-151-сон маълумотномаси). Натижада, янги маълумотлар асосида тузилган турнинг тавсифидан Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги нашрида (I-жилд. Ўсимликлар, 2019) фойдаланиш имконини берган;

Қашқадарё ҳавзасида кенг тарқалган 9 тур доривор ўсимликларнинг биокимёвий таркиби, уларнинг тарқалишини ва ресурс имкониятларидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 30 апрелдаги 04/21-1932-сон маълумотномаси). Натижада, *Mentha longifolia*, *Melissa officinalis*, *Ziziphora ramiroalaica*, *Carum carvi* доривор, зиравор ва озиқ-овқат турлари тарқалган майдонларни белгилаш ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 21 та илмий мақола, жумладан, 7 та республика ва 14 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича республика ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг ишончлилиги очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация структураси тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг “Қашқадарё ҳавзаси тоғолди яйлов ўсимликлари қопламанинг ўрганилиш тарихи” деб номланган биринчи боби республика,

жумладан, ўрганилган ҳавза ҳудудида олиб борилган флористик, геоботаник ва картографик тадқиқот ишлари тарихига бағишланган.

Жанубий Ўзбекистон, хусусан Қашқадарё ҳавзаси тоғ ва тоғолди ҳудудлари ўсимликлар қопламининг хилма-хиллиги, уларнинг тузилиши, алоҳида гуруҳларининг тарқалиши, флораси, яйловлари трансформациясининг асосий хусусиятлари, хариталари С.Н.Кудряшов (1941, 1950), Е.П.Коровин (1934, 1956, 1962), К.З.Закиров (1955), И.И.Гранитов, А.Д.Пятаева (1956, 1959), А.И.Гранитов (1967), И.Ф.Момотов, Э.М.Демурина (1975), С.М.Мустафаев (1966), Ў.Алланазарова (1969), И.В.Стрюкова (1972), А.З.Генусов (1972), О.Х.Хасанов (1972), Н.И.Акжигитова (1976), Р.В.Камелин (1979), Э.Ашуров (1988), Т. Норбобаева (1990), Т.В.Овчинникова (1995), Ф.Х.Джангуразов (1965), Б.Э.Хўжамкулов (1998), Ф.Хасанов (2013, 2014) тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Қашқадарё ҳавзасининг табиий шароитлари. Тадқиқотда қўлланилган методлар”** деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё ҳавзаси тоғолди минтақаларининг географик жойлашуви, рельефи, иқлими, тупроғи ва тадқиқот методлари баён этилган.

Қ.З. Зокиров (1978) таснифига биноан, Қашқадарё ҳавзаси геоморфологик жиҳатдан фарқ қилувчи чўл, адир, тоғ ва яйлов ҳудудларини ўз ичига олади. Иқлими континентал бўлиб, жигарранг, типик, тўқ ва оч тусли бўз тупроқлар устунлик қилади (Хасанов ва бошқ., 2010). Ботаник-географик жиҳатдан Қашқадарё вилояти территорияси Кухитанг округининг Ургут туманига, тоғ Ўрта Осиё провинциясининг Ғарбий-Ҳисор округининг Қашқадарё ва Тарқопчиғай туманларига хос бўлиб, Туран провинциясининг Бухоро округига Қарши-Қарнобчул туманларига туташади (Тожибаев ва бошқалар, 2018).

Қашқадарёнинг катта майдонлари лалми ерлардан иборат бўлиб, ўсимлик қоплами эфемер-эфемероидли, кўзикулоқли-эфемероидзор ва шувоқли-эфемероидзор жамоалари мавжуд бўлиб, улар интенсив мол боқилиши натижасида деградацияга учраган. Бундан ташқари, кейинги пайтларда Ҳисор тоғ тизмаси тоғолди ҳудудларида нефть ва газ захираларининг фаол даражада ривожланаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда (Тожибаев ва бошқалар, 2018).

Диссертациянинг **“Қашқадарё ҳавзаси тоғолди ҳудудлари флораси”** деб номланган учинчи бобида ҳудуднинг флористик таркиби таҳлил этилган.

Қашқадарё ҳавзаси тоғолди ҳудудлари флораси 60 оила ва 232 туркумга мансуб 371 турни ўз ичига олади. Турларнинг сони жиҳатдан биринчи ўринни Роасеае, иккинчи ўринни Asteraceae, учинчи ўринни эса Fabaceae каби оилалар ташкил этади. Этакчи оилалар (Роасеае, Asteraceae, Fabaceae) ва туркумлар (Astragalus, Gagea) нинг турлар сонини кўплиги Ўрта Осиё тоғ ва тоғолди туманларининг флорасига мос келади (1-жадвал).

Мавжуд 371 ўсимлик турларидан: дарахтлар – 7 та, буталар – 14, яримбуталар – 7, бутача – 2, яримбутачалар – 5, 1-2 йиллик – 5, кўп йилликлар – 176, икки йилликлар – 13, бир йилликлар – 142 тани ташкил этади. Дарахт ҳаётий шакллари асосан Salicaceae ва Rosaceae оиласига тегишли бўлиб, тўқай ва адир дарахтларини ҳосил қилади (1-расм). Ўсимликлар қопламида кўп ва бир йиллик ўт ўсимликлар сонининг кўплиги (318 та) Ўрта Осиё тоғ олди


худудларига хос қонуниятдир. Бу эса уларнинг Ўртаерденгизининг шарқий қисми флорасига ўхшашлигидан дарак беради.

1-жадвал

Қашқадарё ҳавзаси тоғ олди яйловларида тарқалган ўсимликларнинг етакчи оила ва туркумлари

№	Оилалар	Туркумлар сони	%	Турлар сони	%	Туркумлар	Сони	%
1	Poaceae	39	26	63	25,61	Astragalus	21	31,34
2	Asteraceae	23	15,34	33	13,41	Gagea	8	11,94
3	Fabaceae	17	11,33	45	18,30	Hordeum	6	8,96
4	Boraginaceae	17	11,33	22	8,94	Bromus	6	8,96
5	Apiaceae	15	10	16	6,50	Artemisia	5	7,46
6	Caryophyllaceae	12	8	23	9,35	Aegilops	5	7,46
7	Lamiaceae	9	6	15	6,10	Convolvulus	4	5,97
8	Brassicaceae	8	5,34	9	3,66	Delphinium	4	5,97
9	Liliaceae	5	3,33	12	4,88	Polygonum	4	5,97
10	Rosaceae	5	3,33	8	3,25	Allium	4	5,97
Жами		150	100	246	100	Жами	67	100

Ҳавза флораси Афғон-Туркистон провинциясига хос элементар флора бўлиб, флорагенези эса автохтон ва аллохтон (маҳаллий) тенденциялари асосида тараққий этган (Невский, 1937). Ўрганилган худудда ноёб Ал-Шахбоз Плокамаси – *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. et Achilova тури аниқланди. Ушбу тур Жанубий Помир-Олойнинг камёб эндемиги бўлиб, 1-мақом бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби”га киритилди. Қашқадарё ҳавзаси тоғолди худудларидаги флоранинг таркибида эндем ва камёб турлар учраши уларнинг ўзига хос тараққиёт тарихига эга эканлигидан ва антропоген омиллар таъсирида айрим турларнинг камайиб, йўқолиб бориши хавфи борлигидан дарак беради.




1-расм. Қашқадарё ҳавзаси тоғолди яйловларида тарқалган ўсимликларнинг ҳаёт шакллари бўйича тақсимланиши (%) ҳисобида

Диссертациянинг “Қашқадарё ҳавзаси тоғ ва тоғолди яйловларининг замонавий ҳолати” деб номланган тўртинчи бобида майдони, мавсумий ҳосилдорлиги, фойдаланиш хили, чорва молларининг боқилиш хили, яйловларнинг салбий хусусиятлари, яйловларга таъсир этувчи омиллар каби кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирган ҳудуд яйловларининг замонавий тавсифи баён этилган.

Қашқадарё ҳавзасининг тоғ ва тоғолди ҳудудининг 778982 гектарини яйлов ерлари, аҳоли пунктлари 197 530, лалми ерлар 229 365, суғориладиган ерлар 432 193 гани ташкил этади. Тоғ ва тоғ олди яйловларининг замонавий тавсифи ўз ичига 7 яйлов гуруҳи, 7 та яйлов типига мансуб 20 та яйлов хилларини қамраб олади. Тадқиқотлар натижасида 24 та картографик бирликларни ўз ичига олган “Қашқадарё ҳавзасининг тоғ ва тоғолди яйловлари харитаси” тузилди (2-расм) ва унинг изоҳи ишлаб чиқилди. Қуйида яйлов типлари ва хилларига тавсиф бериб ўтилади.

1. Ҳар-хил ўтли-бетагали ёзги яйловлар типи юқори тоғ минтақасида жойлашган тиконли-ўтлар, тиконли-ёстиқсимон ўтлар ва соз ўтлоқлар билан учровчи чимли-дашт яйловлар гуруҳига мансубдир. Тип таркибида **шувоқли-бетагазор** яйлов хили денгиз сатҳидан 2300-2800 м баландлигидаги ҳудудларида – Катта-Хурсан ва Чақорах табиий чегараларида кичик майдонда – 4150 гектарда учрайди. Яйлов хили асосини бетага турларидан *Festuca valesiaca* ва *F.rubra* лар ташкил этади. Бундан ташқари, яйлов таркибида субдоминант сифатли шувоқ турларидан *Artemisia lehmanniana* ва *A. rutifolia* лар қатнашади. Яйлов хилининг муҳим хусусиятларидан бири яйлов хили таркибида субальп ўтлоқи яйловлар вакилларининг – *Lagotis korolkovii*, *Ligularia thomsonii*, *Polygonum coriarium* ларнинг фрагмент тарзида учрашидир. Кечки баҳорги-ёзги-эрта кузги яйлов. Ҳосилдорлиги (баҳор-ёз-куз): 2,7-3,7-3,8 ц/га.

2. Ҳар-хил ўтли бетагали-трагакантли-акантолимонли-кузинияли яйловлар типи тошли-шағалли қияликларда ва сувайирғичларда, кучсиз ривожланган тупроқ қопламига эга жойларда учрайди. Яйловлар типининг энг кенг тарқалган яйлов хили тиконли ва ёстиқсимон тоғли ксерофитлар орасида тарқалган майда ўтли, бошоқли-ҳар хил ўтзор ҳисобланади. Яйлов хилининг характерли хусусияти уни тиконли ва ёстиқсимон тоғли ксерофитлар *Scorzonera acanthoclada*, *Cousinia verticillaris*, *Onobrychis echidna*, *Acantholimon hissaricum*, *A.alatavicum* ларни учрашидир. Яйлов хили асосини бошоқли ўтлардан *Poa annua*, *P.bulbosa*, *P. angustifolia*, *Carex koshewnikowii*, *C.melanantha*, *Festuca pratensis* *F.pratensis* турлари ташкил этади. Яйлов хили таркибида юқори тоғ минтақасида кенг тарқалган ҳар хил ўтлардан *Polygonum hissaricum*, *Prangos pabularia*, *Ferula ovina*, *Ligularia thomsonii* лар учрайди. Ҳосилдорлиги (баҳор-ёз-куз): 2,9-5.4-1.8 ц/га.



2-расм. “Қашқадарё хавзасининг тоғ ва тоғолди яйловлари картаси”

3. Бошоқли-ҳар хил ўтли арчазорлар орасидаги яйлов типи: арчазорлар орасидаги ҳар хил ўтли-бетагали-сулибошзор (134219 га) ва ҳар хил ўтли-сулибошли-бетагазор (151606 га) яйлов хилларини ўз ичига олади. Яйлов хилларининг ўт ўсимликлар қоплами Зарафшон арчаси (*Juniperus polycarpus*) ва Туркистон арчаси (*J.pseudosabina*) тарқалган ҳудудларда зич қоплам ҳосил қилади. Ўт ўсимликлар қоплами асосини *Elymus kronenburgii*, *E. transhyrcanus* ва *E.hispidus* ҳамда чим ҳосил қилувчи бошоқдош вакиллари – *Festuca coelestis*, *F.pratensis*, *F. valesiaca*, юқори тоғ ҳудудларида *F.rubra* лар ташкил этади. Тошли-шағалли қияликларда *Prunus bucharica*, *Rosa fedtschenkoana*, *Rosa kokanica*, дарё водийларида эса *Lonicera nummulariifolia* лар билан биргаликда гуруҳ ҳосил қилади. Яйлов таркиби ҳар хил ўтларга бой, жумладан, *Ferula hissarica*, *F.ovina*, *Prangos pabularia* турларидан ташқари *Inula helenium*, *Origanum vulgare*, *Verbascum turkestanicum* кенг тарқалган. Эрта баҳорги-ёзги-эрта кузги яйловлар саналади. Ҳосилдорлиги 1.5-5.8 ц/га ни ташкил этади.

4. Ингичкабаргли шувоқ уйғунлигидаги бетагали-сулибошли яйлов типи: шувоқли-бетагали-сулибошзор, қорабошли-шувоқли-бетагазор, ҳар хил ўтли-шувоқли-бетагазор, дарё водийларида дарахт ва буталар иштирокида (47471 га) ва ҳар хил ўтли-бетагали-сулибошзор дўлана, заранг, қайрағоч ва бодом уйғунлигидаги (4554 га) яйлов хилларини ўз

ичига олади. Ушбу яйлов хили дарё водийларнинг аксарият қисмини эгаллайди ва сийрак арчазорлар иштирокидаги яйлов ҳудудларигача кириб боради. Яйлов хилларининг муҳим хусусияти яйловларни ташкил этувчи бошоқлиларнинг ингичкабаргли шувок – *Artemisia tenuisecta* билан учрашидир. Улар орасида шувокли-бетагали-сулибошзор (*Elymus hispidus*, *E.kronenburgii*, *Festuca valesiaca*, *Artemisia tenuisecta*), қорабошли-шувокли-бетагазор (*Festuca valesiaca*, *F.coelestis*, *F.rupicola*, *Artemisia tenuisecta*, *Carex pachystylis*), ҳар хил ўтли-шувокли-бетагазор (*Festuca valesiaca*, *F.coelestis*, *Artemisia tenuisecta*, *Eremurus olgae*, *Prangos pabularia*, *Ligularia thomsonii*) алоҳида аҳамиятга эга. Майда қумли қияликлар, дарё ва сой атрофларида ўт ўсимликлар қоплами дарахт турларидан *Crataegus korolkowii*, *Crataegus pontica*, йирик тошли қияликлар ва дарё водийси атрофларида *Acer turkestanicum*; тошли, шағалли қуруқ ёнбағирларда *Prunus bucharica*, *P.spinosissima*, *Rosa kuhitangi*, *R.fedtschenkoana*, *R.canina* каби буталар билан биргаликда учрайди. Яйлов хилларининг ҳосилдорлиги гектарига 2.2-5.8 ц ни ташкил этади.

5. Буғдойқзорлар типи: аралаш ўтли-буғдойқзор яйлов хили (15195 га); аралаш ўтли-эфемероидли-эфемерли-буғдойқзор (44165 га); эфемерли-бегона ўтли-бута аралаш буғдойқзор; бутали-аралаш ўтли-шувокли-буғдойқзор (4761 га) яйлов хилларидан ташкил топган. Бу яйлов хилида буғдойқ (*Elymus hispidus*) аралаш ўтлардан *Galium pamiroalaicum*, *Althea officinalis*, *Eremurus regelii*, *Ziziphora clinopodioides* ва *Prangos pabularia*, *Inula orientalis*; эфемероидлардан *Carex pachystylis*, *Poa bulbosa*; захарли бегона ўтлардан – *Trichodesma incanum*, *Centaurea virgata*; *Rosa maracandica*, *Prunus spinosissima*, *Lonicera nummulariifolia*, *Crataegus korolkowii*, *Cotoneaster nummularis* ва *Prunus erythrocarpa* турлари каби буталар билан биргаликда жамоалар ҳосил қилади. Буғдойқзор яйлов типи вакиллари мавсумий фойдаланишига кўра кечки баҳорги-ёзги-эртанги кузги яйлов саналади. Мавсумий ҳосилдорлиги гектарига 1.2-5.6 центнерни ташкил этади.

6. Қўнғирбошли-рангзор типи: эфемерли-қўнғирбошли-рангзор (37724 га); эфемерли-қўнғирбошли-қўзиқулоқ ва каррак аралаш-рангзор (22044,4 га); карракли-шувокли-рангзор (14932.3 га); бодомчали-шувокли-қилтиқли-буғдойқ аралаш-рангзор (4933,4 га) яйлов хилларидан ташкил топган. Яйлов хили асосини *Carex pachystylis*, *Poa bulbosa* лар ташкил этади. Яйлов таркибида шағал аралаш жойларда карракнинг (*Cousinia resinosa*) нинг улуши ортади. Қўнғирбош-рангзорни ҳавзада трансформацияга учраётган яйлов типи сифатида қараш мумкин. Айрим яйлов хилларини суғориладиган ва лалми ҳудудлар атрофида жойлашганлиги, бундан ташқари доимий боқилиш таъсирида таркиби бегона ўтлар ҳисобига (*Trichodesma incanum*, *Euclidium syriacum*, *Peganum harmala*) ўзгараётганлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, антропоген босим кучли бўлган ҳудудларда яйлов хиллари таркибига бегона ўтларлардан *Acroptilon repens*, *Centaurea bruguierana*, *C.virgate*, *Lagonichium farctum* лар қўшилади. Айниқса, яйлов хилларининг асосий инқироз кўрсаткичларидан бири таркибида қилтиқнинг (*Taeniatherum caput-medusae*) кўп учрашидир. Фитоценозда *Taeniatherum caput-medusae* лалми

деҳқончилик ривожланган ҳудуд яйловлари таркибида учраб, сегетал-пасторал дегрессиянинг индикатори саналади. Чунки у яйловнинг ашаддий бегона ўти бўлиб, таркибидан ушбу тур учрайдиган яйловлар “ноқулай” яйловлар ҳисобланади. Эфемер ва эфемероидлар кўп учраши ҳисобига ушбу тип вакиллари эрта-баҳорги-ёзги яйлов гуруҳига киради. Ҳосилдорлиги нисбатан паст – ўртача 2,6 ц ни ташкил этади.


7. Йирик ўтли-эфемерзорлар типи арпахонзор, ялтирбошзор, қасмалдоқзор, қилтиқзорлардан иборат бўлиб, 6 та яйлов хилларини ўз ичига олади: аралаш ўтли-шўрالي-эфемерли-қилтиқзор (4958 га); аралаш ўтли-эфемерли-бодамча аралаш-қасмалдоқзор (69883 га); эфемероидли-шувокли-янтоқ аралаш-эфемерзор; сўғд шувокли-рангли эфемерзор (34905 га); жинжакли-партеккли-янтоқли-арпахонзор (2207 га); қасмалдоқли-оққурайли-қўзиқулоқ аралаш-ялтирбошзор (49010 га). Яйлов хили асосини эфемерлардан *Bromus tectorum*, *Alyssum desertorum*, *Spinacia turkestanica*, *Vulpia myuros*, *Eremopyrum orientale*, *E. Bonaepartis* ва бошқалар ташкил этади. Айрим яйлов хиллари дегрессиясини англатувчи қилтиққа (*Taeniatherum caput-medusae*) бой ва доимий боқилишнинг натижасида шўрак турларидан *Salsola sclerantha* (йирик гулли шўрак) кенг тарқалган. Яйлов хилларининг қасмалдоқли гуруҳи вакиллари, жумладан, қилтиқли қасмалдоқ (*Aegilops triuncialis*), йўғон қасмалдоқ (*A. crassa*) лар ўсимлик қопламанинг пасторал ва сегеталь сукцессиясининг натижасида шаклланади. Ёки бўлмаса, ҳудудда тоғ олди минтақаларида қадимдан чорвачилик ва деҳқончиликни ривожланиши табиий ўсимлик қопламида бу каби иккимламчи жамоаларнинг шаклланишига имкон яратган. Бу ўринда, тоғ олди минтақаларида бодомлар (*Prunus spinosissima*) орасида пасторал жамоанинг шаклланиши тарихан шаклланган бодомзорларнинг ҳам келажакда аста-секин қисқариши ёки бўлмасам йўқолиб кетишини англатади. Бу яйлов хилининг иккиламчи жамоа эканлигини тасдиқловчи омил сифатида яйлов хилида *Convolvulus subhirsutus*, *Centaurea virgata* каби бегона ўт вакиллариининг кўп учрашини айтиш мумкин. Яйлов типи вакиллари таркиби ейилувчанлиги паст турларга бой. Бунга мисол сифатида *Phlomis thapsoides* ва *Cullen drupaceae* ларни келтириш мумкин. Улар яшил ҳолатда ейилмайди, аммо қуриганда ундан фойдаланиш мумкин. Яйлов хили сифатини пасайтирувчи турдан *Aegilops crassa*, *A. triuncialis* ва *Peganum harmala* ларни кўрсатиш мумкин. Аслида ушбу турлар инсонларни яйловлардан нотўғри фойдаланилиш натижасида яйлов хили таркибига кириб келган дейиш мумкин. Ушбу типга мансуб яйловлардан йил давомида фойдаланиш мумкин. Ҳосилдорлиги паст – ўртача 2,3 ц ни ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 1975 йилги репер харита билан солиштирилганда лалми ерларнинг майдони 22 минг гектарга кенгайган. Айниқса, сўнгги йилларда лалми ерларнинг кенгайиши ўрта ва юқори тоғ зоналарида амалга ошаётганлиги ачинарли ҳол. Бу эса, арчазорлар орасидаги ҳар хил ўтли-бетагали-сулибошзор ва шувокли-бетагали-сулибошзор яйлов хиллари майдонларининг кескин қисқаришини таъминламоқда. Шунга қарамай, бу яйлов хиллари таркибида чорвачилик ва деҳқончилик таъсирида пайдо

бўладиган бегона ўтларнинг камлигини таъкидлаш лозим. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат ўрта тоғ зонасида ўт ўсимликлар қопламининг зичлиги ва илдизпояли, рақобатбардош турларни (*Elymus* L., *Festuca* L. туркуми турлари) бегона ўтлар “таъсирига” чидамлилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аксинча, адир зонасида жойлашган ҳамда эфемер ва эфемероидлардан ташкил топган яйлов хиллари, жумладан, кўнғирбошли-рангзор типи вакиллари пасторал дегрессиянинг кўламига чидамсизлиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг “Қашқадарё ҳавзаси тоғ ва тоғолди яйловлари ҳолатига таъсир этувчи омиллар” деб номланган бешинчи боби яйлов хилларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг тавсифига бағишланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ажратилган 20 та яйлов хилларининг ярмидан кўпи таркибида бегона ва заҳарли ўтларнинг улуши юқоридир. Бундай турлар улуши юқори тоғ худудидан пастки адир худудига томон ортиб боришини кўриш мумкин (3-расм). Буни албатта, кейинги йилларда тоғ олди текисликларида деҳқончилик ва чорвачилик барча турларини кенг ривожланаётганлиги билан боғлиқдир.



3-расм. Қашқадарё ҳавзасининг тоғ ва тоғ олди яйловлари таркибидаги бегона ўтларнинг сони ва улушининг ўзгариши

Яйлов хиллари сифатини оширувчи белгилардан бири, унинг таркибида иқтисодиёт аҳамиятига молик бўлган ресурсбоп турларнинг мавжудлиги ва улар улушининг юқори эканлигидир. Чунки, ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан яйловларнинг ўзи хўжалик объекти ҳисобланиб, унинг таркибидаги бошқа ўсимликлардан иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга йўналтириш яйловлардан самарадор фойдаланишни таъминлайди. Шунга кўра, яйловларга чорвачилик ва деҳқончиликни таъсири, таркибидаги бегона ўтлар улуши ва яйловлардан самарали фойдаланиш асосидаги мезонлар бўйича Қашқадарё ҳавзаси тоғ ва тоғ олди худудларида аниқланган 20 та яйлов хиллари 9 балл

тизимда баҳоланди ва шу асосда улар 3 гуруҳга ажратилди:

1. Юқори қийматли яйловлар (7-9 балл).
2. Ўрта қийматли яйловлар (4-6 балл).
3. Паст қийматли яйловлар (1-3 балл).

1. Юқори қийматли яйловлар. Ўрганилган яйловлар ичида бошоқли-ҳар хил ўтли арчазорлар орасидаги яйлов типига мансуб яйлов хиллари қолган яйлов хилларига қараганда юқори қиймати билан ажралиб туради. Улар таркибида яйлов сифатига таъсир этувчи турларнинг улуши ниҳоятда оз. Арчазорлар орасидаги ҳар хил ўтли-бетагали-сулибошзор ва ҳар хил ўтли-сулибошли-бетагазор яйлов хиллари таркибида эфир-мойли, ошловчи (*Ferula hissarica*, *F.ovina*, *P.hissaricum*), доривор ва озиқ-овқат (*Prunus bucharica*, *Rosa fedtschenkoana*, *R.kokanica*) турларига бой, буталар қимматли манзарали ўсимликлар сифатида аҳамиятли саналади. Шунга кўра, яйловдан бошқа мақсадларда амалда фойдаланиш даражаси ниҳоятда юқори. Яйлов таркиби озиқ-овқат ва доривор турларга бойлиги туфайли улар доимий равишда аҳоли томонидан йиғиб борилади.

Арчазорлар орасидаги ҳар хил ўтли-бетагали-сулибошзор яйлов хилига чорвачиликдан кўра ерларнинг ўзлаштирилиши катта хавф солиб турибди. Яйлов контурининг атрофи барча томондан аҳоли томонидан ўзлаштирилган ҳудудлар таъсирида бўлиб, 1975 йилги репер карта билан солиштирилганда яйлов контури 45% га қисқарган. Бундан ташқари, аҳоли томонидан арчаларнинг кесилиши сўнгги йилларда тоғ қияликларида емирилишларни ҳосил қилиб, яйловларнинг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, суғорма деҳқончилик ва лалми деҳқончилиكنинг ривожланиши туфайли ҳар хил ўтли-сулибошли-бетагазор яйлов ҳилининг ҳам майдони қисқариб бормоқда. Аҳоли пунктлари яқинида пичан ўриладиган майдонлар ихота қилинганлиги боис, чорва моллари яйлов контурининг юқори ҳудудларида ўтлатилади. Бу эса яйлов хилининг юқори ҳудудларини чорва моллари томонидан, пастки ҳудудларини эса инсон томонидан пайҳонланишини келтириб чиқармоқда.

2. Ўрта қийматли яйловларнинг аксарият қисми Қашқадарё ҳавзасининг юқори тоғ зонасида жойлашган. Масалан, шувоқли-бетагазор яйлов хили озуқавийлиги жиҳатидан қимматбаҳо саналган ем-хашак турларига бой. Бу ўринга, бетага турларидан ташқари *Onobrychis echidna*, *Astragalus lasiosemius* ларни мисол келтиришимиз мумкин. Шунинг билан биргаликда, яйловда бошқа иқтисодиёт тармоқларида, масалан, халқ табobati ва илмий тиббиётда фойдаланиладиган доривор (*Artemisia lehmanniana*, *A.rutifolia*, *Polygonum coriarium*), ошловчи (*Polygonum coriarium*), асалчил (*Polygonum coriarium*, *Onobrychis echidna*) турларга кўп. Яйлов хилининг салбий томонларидан бири унда захарли ҳамда бегона ўт бўлган *Ligularia thomsonii* (1%) нинг учрашидир. Яйлов ҳудудида деҳқончилик ва чорвачилик кўп ҳам ривожланмаган. Бироқ, энг яқин аҳоли пунктлари 5-8 км узоқда жойлашган ва ҳудудда чорвачилик ва лалми деҳқончилик юқори тезликда ривожланаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Яйлов хили юқори тоғ минтақасида

ва қияликларда жойлашганлиги уни чорвачиликдан ташқари бошқа мақсадларда самарали фойдаланиш имкониятларини чеклайди.

Бегона ўт турларига бой аралаш ўтли-эфемерли-бодамча аралаш-қасмалдоқзор ва жинжакли-партекли-янтоқли-арпахонзор яйлов хиллари самарали фойдаланилганлиги боис, ўрта қийматли яйловлар гуруҳи орасида аҳамиятлидир. Бу яйлов хиллари таркибидаги бегона ўтларнинг улуши 33-52% гача етади. Бироқ, ушбу яйлов хиллари адир зонасида асаларичиликда фойдаланилишига кўра олдинги ўринда туради. Асал-ширالي турлардан *Alhagi pseudalhagi*, *Psoralea drupaceae*, *Lagonichium farctum* ларнинг кенг массивларни эгаллаб, ҳозирги кунда аҳоли томонидан улардан дашт асали олинади. Бундан ташқари, *Lagonichium farctum* яна қимматли ошловчи тур ҳисобланади. Унинг илдизидан маҳаллий аҳоли териларни ошлашда ҳануз фойдаланишади. Илдизлари таркибида 7-11%, мевалари таркибида 31% гача ошловчи моддалар тутади.

Ўрта қийматли яйловлар гуруҳига шу билан биргаликда, тиконли ва ёстиксимон тоғли ксерофитлар орасида тарқалган майда ўтли, бошоқли-ҳар хил ўтзор ҳамда айрим буғдойиқзор яйлов хили, ингичкабаргли шувок уйғунлигидаги бетагали-сулибошзор яйлов типи, кўнғирбошли-рангзор, йирик ўтли-эфемерзор яйлов типлари вакиллари ҳам киради.

3. Паст қийматли яйловлар асосини буғдойиқзор, йирик ўтли-эфемерзор ва айниқса кўнғирбошли-рангзор яйлов типлари вакиллари ташкил этади. Буғдойиқзор типи таркибидаги аралаш ўтли-эфемероидли-эфемерли-буғдойиқзор ва эфемерли-бегона ўтли-бута аралаш буғдойиқзор хиллари лалми деҳқончилик ва чорвачилик ҳаддан зиёд ривожланган ҳудудларда жойлашган. Шунга кўра, ушбу яйлов хиллари таркибида озиқа қиймати паст бир йиллик ва захарли турлардан *Strigosella turkestanica*, *Roemeria refracta*, *Taeniatherum caput-medusae*, *Heterantherium piliferum*, *Bromus danthoniae*, *Trichodesma incanum*, *Centaurea virgate* лар кўп учрайди. Ҳар иккала яйлов хиллари таркибида иқтисодиёт тармоқларининг бошқа соҳаларида фойдаланилиши мумкин бўлган турлар учрамайди.

Кўнғирбошли-рангзор яйлов типининг **эфемерли-кўнғирбошли-кўзиқулоқ ва каррак аралаш-рангзор, айрим жойларда бегона ўтлар аралаш; карракли-шувокли-рангзор, айрим жойларда бегона ўтлар аралаш; бодомчали-шувокли-қилтиқли-буғдойиқ аралаш-рангзор** хиллари сифатини пасайтирувчи омил сифатида таркибида ташландиқ майдонларда учрайдиган захарли ва бегона турларнинг кўплигидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудда қисман ўрта, асосан паст қийматли яйловлар тарқалган бўлиб, бу яйловлардан нооқилона фойдаланилаётганлигини билдирувчи индикатор саналади. Бу хилдаги яйловларни ҳудуднинг чорвачилик, лалми ва деҳқончилик ривожланган адир зонасида тарқалганлиги ушбу минтақада экологик вазиятни қониқарсиз эканлигидан дарак беради. Яйловлар сифатини пасайтирувчи асосий омил яйловлар таркибида бегона ўтлар улушининг юқорилигидир. Айрим яйлов хилларида бегона ўтларнинг устунлиги яйловларни тўла инқирозини англатади.

Диссертациянинг “Тоғолди яйловларидан оқилона фойдаланишнинг экологик асослари” деб номланган олтинчи бобида яйловларни мониторинг қилиш ва пайҳонланган майдонларни тиклаш бўйича ёндашувлар, деградацияга учраган яйловларни тиклашнинг экологик принциплари, деградацияга учраган яйлов экотизимларини экологик қайта тиклаш йўллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Қашқадарё ҳавзаси (Чироқчи ва Дехқонобод туманлари) тоғолди яйловларининг кучсиз, ўртача ва кучли деградация жараёнлари кузатилмоқда. Баҳорда ўртача табиий ўсимлик қоплами 50-60 % гача, ёзда эса 30-33 % ва ундан камроқни ташкил этади, бу эса деградация даражасига боғлиқ. Айниқса, аҳоли пунктлари ва суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда яйловларда уларнинг ялпи ва мўл дигрессияни англатувчи *Capsella bursa pastoris*, *Medicago lupulina*, *Poa pratensis*, *Polygonum aviculare*, *Bromus tectorum*, *Equisetum arvense* лар сони ва зичлигини ортаётганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё ҳавзаси суғорма деҳқончилик ривожланган яйлов ҳудудларининг дигрессияси кўрсаткичлари


Индикатор турлар	Яйлов дигрессияси шкаласи				
	ялпи (8% дан ортиқ)	мўл (2.5-8%)	ўртача (0.3-2.5%)	кам (0.1-0.2%)	айрим (камдан- кам)
	<i>m</i>	<i>c</i>	<i>n</i>	<i>p</i>	<i>s</i>
<i>Capsella bursa pastoris</i>	8	7-8	6-9	5-9	3-9
<i>Bromus tectorum</i>				6-7	5-7
<i>Chenopodium album</i>			7	7-8	7-8
<i>Cichorium inthybus</i>			6-7	3-7	2-8
<i>Convolvulus arvensis</i>			1-6	1-6	1-8
<i>Equisetum arvense</i>		2-3	2-4	1-4	1-5
<i>Hypericum perforatum</i>					1-3
<i>Medicago lupulina</i>	9	4-9	2-9		
<i>Plantago lanceolata</i>			3		
<i>Poa pratensis</i>	6-7	3-7	1-7	1-8	
<i>Polygonum amphibium</i>			1-4	1-4	1-5
<i>Polygonum aviculare</i>	7-8	7-8	7-9	5-9	
<i>Prunella vulgaris</i>		3-5	2-6	1-8	1-9

Яйловлар – экологик жиҳатдан биологик тизимларни ижтимоий ва иқтисодий омиллар билан уйғунлигида ривожланадиган объект ҳисобланади (Gillet, 2005; Kohler 2004). Яйловлардан фойдаланиш билан боғлиқ хар қандай муносабат ундаги биологик қонуниятларни ўзгартириши ва инқирозини таъминлаши мумкин (FAO, 1991). Шунга кўра, яйловларни ўзгарувчан динамик тизим деб қараш мумкин ва шу асосда унда кечаётган жараёнларни моделлаштириш мумкин.

Қашқадарё хавзасида олиб борилган кўп йиллик кузатув тадқиқотларимиз ва республикада яйловларни мустаҳкамлаш, ўрмончиликни ривожлантириш, тоғ ва тоғолди яйловлари ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохатлар ҳамда уларни самарасини ҳисобга олган ҳолда ўрганилган ҳудуд яйловларида кечаётган деградация жараёнларини 30 та индикатор асосида моделлаштирилди (4-расм). Модел асосини яйловларни деградацияга сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг улуши, юқори, ўрта тоғ ва адир минтақаси яйловларининг инқироз даражаси, деградацияга учраган яйловларни самарадор тиклаш, бошқарув тизими ва яйловларни тиклаш йўллари ўз ичига олган.

Модел барча жараёнларни, уларнинг таркибий гуруҳларини ўз ичига бирлаштирган қисмларнинг (индикаторларнинг) ўзаро уйғунлигидаги ташкилий тузилмасини ифодалайди ва унинг марказида яйловларни тиклаш ва унинг самарали йўллари туради. Модел марказининг (самарали тиклашнинг) ўнг ва чап томонларида динамик жараёнларда устунлик қилувчи индикаторлар – деградацияга мойил объектлар (1), уларни деградациясини таъминловчи омиллар (2) ва уларни ҳал қилиш йўллари (амалий тадбирлар) (3) жойлашади. Назарияга кўра, барқарор тизимларда 1-3 жараёнлар тенг нисбатларда, бир-бирларига боғлиқ тарзда хар иккала томонда тенг – мувозанатда жойлашиши лозим. Лекин беқарор экологик тизимларда 1-3 омиллар ўртасида мувозанатнинг бузилиши улар ўртасидаги муносабатнинг ҳам ўзгаришига олиб келади ва таъсирчан омиллар чап томонлама фазовий тузилишга олиб келади.

Олиб борилган тадқиқотлар Қашқадарё тоғ ва тоғолди яйловларини экологик самарадорлиги модели чап томонлама эканлиги ва бу ҳудуд яйловлари, унга бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тўлиқ издан чиққанлигини ифодалайди. Агарда Қашқадарё тоғ ва тоғолди яйловларининг экологик самарадорлиги моделини таҳлил этадиган бўлсак, **яйловларни деградация даражасига** таъсир қилувчи омиллар – адир минтақаси, ўрта тоғ яйловлари ва юқори тоғ яйловлари ҳудудларига тегишлидир. Адир минтақасида яйлов таркибидаги захарли ва бегона ўтларнинг улуши, чорвачиликнинг ривожланиши, лалми деҳқончилик, суғорма деҳқончилик кабилар асосий таъсир этувчи жараёнлар ҳисобланиб, улар адир минтақасида ўрта тоғ ва юқори тоғ яйловларига нисбатан деградация жараёнини тезлаштирган.



4-расм. Қашқадарё тоғ ва тоғолди яйловларини экологик оптимизациялаш модели

Таъкидлаш лозимки, ўрганилган ҳудудда суғорма, айниқса лалми деҳқончиликнинг бетартиб ривожланиши яйловлар инқирозининг асосий омили деб айтиш мумкин. Бу кўрсаткич, айниқса, юқори тоғ минтақасида ҳам содир бўлаётганлиги ачинарли ҳолатдир. Ўрта тоғ ва адир минтақасида чорвачилик ва у асосида яйловларни тубдан ўзгариши инқирозини ҳаракатлатирувчи омил деб айтиш мумкин.

Яйловларни самарадор тиклаш – экологик-ценотик конструкцияларнинг мувофиқлиги ва ўсимликларнинг адаптив стратегиялари принциплари, фитоценозларда экологик ниша ва ўзаро тўлдирувчи турларни дифференциациялаш принциплари, деградацияга учраган яйловлар фитомелиорациясининг экологик принциплари, самарали бошқарув, самарали фойдаланиш ва самарали тиклаш каби параметрларни ўз ичига олади. Самарали тиклаш учун замонавий ўрмонлаштириш тизимини жорийлаштириш талаб этилса, бу талабни амалга ошириш учун тоғ ўрмонлари қисқаришини олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Яйловларни самарали бошқариш учун лалми ерларни бетартиб кенгайтириш олдини олиш асосий индикатор ҳисобланса, ушбу ҳолатни суғорма ва лалми деҳқончиликни тартибга солиш билан амалга ошириш зарур. Яйловлардан самарали фойдаланиш – бу яйловлардан мавсумий фойдаланишни таъминлаш орқали тартибга солинса, келгусида чорва моллари боқиш тизимини тартибга солиш орқали бошқарилади.

Яйловларни бошқарув тизими – замонавий ўрмонлаштириш тизимини жорийлаштириш, яйловларда чорва моллари боқишни, жумладан, “яйлов сифими” принципини қўллаш, яйловлардан мавсумий фойдаланишни таъминлаш, яйловларни алмашиб боқиш тизимини ташкил этиш, лалми ерларни бетартиб кенгайтириш олдини олиш, ташландиқ деҳқончилик ва яйлов ерларини тиклаш каби индикаторлар орқали йўлга қўйилади. Бирок, яйловларни бошқарув тизимини ташкил этишда келгусида ўрмонларни муҳофазалашнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, фойдали ижтимоий-иқтисодий ўрмончиликни ривожлантириш, ўрмончиликда хусусий сектор улушини кенгайтириш, суғорма ерлардаги “экиш босими”ни камайтириш каби индикаторлардан амалда фойдаланиш долзарб вазифалардан саналади.


